

Енги калта, ёкаси очик либосларни тикишлари...

САВОЛ: Хозирги кунда кўп такрорланадиган саволлардан бири–касб-корга тааллукли саволлардир. Баъзи кишилар касб эгаларига «сен уни килма, буни килма, гунохкор бўласан, касбинг нотўгри», деган гапни айтишяпти. Мисол учун, аёл кишиларнинг енги калта, ёкаси очик ёки шунга ўхшаган шариат коидаларига тўгри келмайдиган кўйлакларни тикиш ёки сотиш гунох бўлади, чунки ўша кўйлакни кийиб кўчага чиккан аёл гунох иш килади, уни тикиб берган ёки сотган одам ўша гунохига шерик бўлади, дейилмокда. Бунинг натижасида касбини ташлаб юбораётган кишилар хам бор. Ана шу масалани тахлил килиб берсангиз.

ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Мана шундай холат бошка ерларда хам бор экан. Кувайтда чикадиган илмий нашр-лардан бирида мана шу тўгрида сўз кетибди, шуни тушуниб олсак хаммага фойда бўлади. Кувайт давлатидаги «ВАКФ ВА ИСЛОМИЙ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ФАТВО ХАЙЪАТИ» эркак кишиларга аёлларнинг кийимларини тикадиган устахоналарда ишлаш мумкинлиги тўгрисида фатво берган. Ўша ерда алоҳида зиёфатларга, тўйларга кийиладиган турли безакли кўйлакларни тикиш ва бошка маъноларда гап кетади. Ўша фатво хайъати айтадики:

«Эркак кишилар аёллар киядиган турли кийимларни сотишлари ёки уларни тикишлари, бичишлари мумкин. Агар ўша кўйлакларнинг кўкраклари очик бўлса хам ва ўта тор бўлса хам фарки йўқ. Агар улар тиккан ёки сотган кўйлакларни кийган аёллар турли йигинларда катнашиб, эркаклар бор жойда юриб, уларнинг кадди-коматига, аврат жойларига эркакларнинг назари тушадиган бўлса хам барибир, бўлаверади» дейилади.

Ва бу фатвони шарх килиб айтиладики: «Ношаръий холатларни вужудга келтирадиган кийимларни кийган аёл, аврат жойлари очиладими, ёки кийими юп-калигидан бадани сезилиб турадими, ёки кийимининг торлигидан баданининг маълум кисмлари бўртиб, чикиб турадими, у шу холатда кўчада юрадими, бошка жойда юрадими, эридан бошкага кўринадими–буларнинг хаммасининг гунохи ўша аёлнинг ўзига бўлади. Чунки аёл ўзи беркиниши керак, ўзини сатр килиши керак, тикувчи эмас, бичувчи эмас, сотувчи эмас. Чунки Аллоҳ субханаху ва таоло «Нур» сурасида марҳамат килиб айтганки: **«Ва аёллар зийнатларини зохир килиб кўрсатмасин. Табиий холатда очилиб турган юзи, икки кўли бундан мустасно**

». Ана шу нарса бор. Энди, ўша кийимларни кийган аёл ношаръий холатга тушиб коладиган кийимларни сотган одам ёки уни тиккан одам, бичган одам ўша кийимларни факат шаръий холатларда кийиш ва уни шариат коидаларига мувофик тарзда олиб юришнинг масъулиятини бўйнига олмайди. Шунинг учун ношаръий тарзда кийиб, ўзини кўрсатиб юрганлиги учун бунинг жавобини аёл киши беради.

Аёлларнинг кийимларини бичиб, тикадиган ишда ишлайдиган эркаклар албатта шаръий одобларга риоя килишлари керак, аёлларга кўз тикмасликлари керак, уларга кўлларини теккизмаслиги керак, холи колмаслиги керак—бу бошка шаръий хукмлар. Шу маънони жуда яхши билиш керак. Худди шу коидани—аёлларнинг кийимини тикиш, у кийим кўкраги очик, енги киска, ўта тор ёки юпка бўлиши маънолари маъсуру-лиятини ўшани кийиб, гунохга кўл урган аёл киши тортади, уни тиккан ёки сотган одам тортмайди.

Кадимги фикх китобларимизда хам бунга ўхшаш маънолар муолажа килинган. Шунингдек, Ханафий фикхининг машхур китоблари—«Бадои-у саноя», «Мабсүт» ва бошқаларда кўпроқ узум сотиш маъноси мухокама килинган, бизнинг мазхабимизда айникса шу нарсага эътибор берилган. Бир одам узум ёки узумнинг сикилган сувини сотиб ўтирибди. Унинг хузурига шу узумдан ёки унинг сикилган сувидан харом ичимлик тайёрлайдиган одам келиб сотиб олмокчи. Шунга ўша узумни ёки узумнинг сувини сотса бўладими ёки бўлмайдими, деган савол бор. Ханафий уламолар айтадики: «Сотса бўлади. Чунки бу бозор—унга хар хил одам келади, сотиб олади. Энди узумдан хамр тайёрлайдиган, маст килувчи ичимлик тайёрлайдиган одам келиб олса, эҳтимол у ўзи ейди, халол нарсага ишлатади. Шунинг учун сотоверади, лекин уни олиб бориб у одам халол холида еб, хузур килишнинг ўрнига харом нарсага ишлатиб, ундан маст килувчи ичимлик тайёрлаб исча ёки сотса гунохини ўзи кўтаради, узумни эккан, ўстирган ёки бозорга олиб келиб сотган гунохини кўтартмайди», де-йилган. Мана шу маъноларни биз яхши тушнимиз керак. Сотилаётган нарса ўзи халол бўлиши керак, савдо алдов ёки шариат ман килган бошка нарсалардан холи бўлиши керак. Ўша нарса албатта зарар келтиришдан бошка нарсага бурилмайдиган холат бўлса, унда сотиб бўлмайди. Бунга уламоларимиз куролни мисол килиб келтиришган: «бирор курол сотиб ўтирибди, ўша куролни ўзининг ўгрилиги, муттахамлиги, одам ўлдириши билан машхур бир одам келиб олмокчи. У одам ўша куролни олса ёмонликдан бошка нарсага ишлатиши эҳтимоли йўк. Чунки ўзининг тасарруфи билан шуни исбот килиб кўйган. Ана шунинг учун унга курол сотиб бўлмайди, чунки куролни яхшиликка ишлатиш эҳтимоли йўк. Халиги узум ёки узумнинг сикилган сувини эса яхшиликка ишлатиш эҳтимоли бор—озука сифатида емок, ёки ичимлик сифатида ичмок. Халол, пок холида сотоваётган одам шунинг ниятини килади» дейилган. Валлоху аълам.